

Россияда болалар учун Қуръон курслари ташкил этилмоқда



11:40 / 04.01.2019 2605

Москва ИсломиЙ маркази кўмаги билан Қуръони каримни ўрганиш бўйича ўқув машғулоти бошланди, деб хабар беради IQNA.

Россиялик ўғил болаларнинг қишки таътилларини мазмунли ўтказишлари учун Москва исломий маркази томонидан ташкил этилган “Кавсар” таълим ва маданият кампларида дарслар махсус дастурлар асосида олиб борилади. Машғулотлар нафақат Қуръон курслари, балки болалар ақлини ривожлантирувчи бошқа фанлар асосида ҳам олиб борилади. Ушбу кампларда ҳар йили ўғил ва қизлар учун махсус исломий дастурлар асосида машғулотлар ўтказиб келинади. Дастурларни ўтказишдан асосий мақсад – ёш болалардаги соф исломий тушунчаларни бойитиш, уларни тўғри тарбия топишларига кўмаклашишдан иборат.

